

1643/4372 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: بَعَثَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَيًّا قَبْلَ نَجْدٍ، فَجَاءَتْ بِرَجُلٍ مِنْ بَنِي حَنِيفَةَ يُقَالُ لَهُ ثُمَامَةُ بْنُ أُثَالٍ، فَرَبَطُوهُ بِسَارِيَةٍ مِنْ سَوَارِي الْمَسْجِدِ، فَخَرَجَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: مَا عِنْدَكَ يَا ثُمَامَةُ؟» فَقَالَ: عِنْدِي خَيْرٌ يَا مُحَمَّدُ، إِنْ تَقْتُلَنِي تَقْتُلْ ذَا دَمٍ، وَإِنْ تَعْمَمِ تَعْمَمِ عَلَيَّ شَاكِرٍ، وَإِنْ كُنْتَ تُرِيدُ الْمَالَ فَسَلْ مِنْهُ مَا شِئْتَ، حَتَّى كَانَ الْعَدُوُّ، ثُمَّ قَالَ لَهُ: مَا عِنْدَكَ يَا ثُمَامَةُ؟ قَالَ: مَا قُلْتُ لَكَ: إِنْ تَعْمَمِ تَعْمَمِ عَلَيَّ شَاكِرٍ، فَكَوَّهْ حَتَّى كَانَ بَعْدَ الْعَدُوِّ، فَقَالَ: مَا عِنْدَكَ يَا ثُمَامَةُ؟» فَقَالَ: عِنْدِي مَا قُلْتُ لَكَ، فَقَالَ: أَطْلِقُوا ثُمَامَةَ. فَأَنْطَلَقَ إِلَى نَخْلٍ قَرِيبٍ مِنَ الْمَسْجِدِ، فَأَغْتَسَلَ ثُمَّ دَخَلَ الْمَسْجِدَ، فَقَالَ: أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، يَا مُحَمَّدُ، وَاللَّهِ مَا كَانَ عَلَيَّ الْأَرْضُ وَجْهًا أَبْغَضَ إِلَيَّ مِنْ وَجْهِكَ، فَقَدْ أَصْبَحَ وَجْهَكَ أَحَبَّ الْوُجُوهِ إِلَيَّ، وَاللَّهِ مَا كَانَ مِنْ دِينٍ أَبْغَضَ إِلَيَّ مِنْ دِينِكَ، فَأَصْبَحَ دِينُكَ أَحَبَّ الدِّينِ إِلَيَّ. وَاللَّهِ مَا كَانَ مِنْ بَلَدٍ أَبْغَضَ إِلَيَّ مِنْ بَلَدِكَ، فَأَصْبَحَ بَلَدُكَ أَحَبَّ الْبِلَادِ إِلَيَّ، وَإِنَّ حَيْلَكَ أَخَذْتَنِي وَأَنَا أُرِيدُ الْعُمْرَةَ، فَمَاذَا تَرَى؟ فَبَشَّرَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَمَرَهُ أَنْ يَعْتَمِرَ، فَلَمَّا قَدِمَ مَكَّةَ قَالَ لَهُ قَائِلٌ: صَبَوْتَ؟ قَالَ: لَا، وَلَكِنْ أَسْلَمْتُ مَعَ مُحَمَّدٍ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، وَلَا وَاللَّهِ لَا يَأْتِيكُمْ مِنَ الْيَمَامَةِ حَبَّةٌ حِنْطَةٍ حَتَّى يَأْذَنَ فِيهَا النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ .

1643.4372. Абу Хурайра розияллоху анху айтади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам Нажд тарафга бир гуруҳ отлиқларни юбордилар. Улар Бану Ханифадан Сумома ибн Усол деган кишини олиб келишди. Уни масжид устунларидан бирига боғлаб қўйишди. Набий соллаллоху алайҳи васаллам унинг олдига чиқиб: «Эй Сумома, сенда нима гап?» дедилар. Сумома: «Эй Муҳаммад, менда яхшилик. Ўлдирсанг, хуни(ни сўрайдигани) борни ўлдирасан, (озодлик) инъом этсанг, шукрпешага инъом қилган бўласан. Мол-дунё истасанг, ундан хоҳлаганингча сўра», деди.

Эртаси куни у зот унга яна: «Эй Сумома, сенда нима гап?» дедилар. Сумома: «Ўша айтганим, (озодлик) инъом этсанг, шукрпешага инъом қилган бўласан», деди. У зот уни қўйиб қўйдилар, ниҳоят индинига: «Эй Сумома, сенда нима гап?» дедилар. У: «Ўша ўзингга айтганим», деди. У зот: «Сумомани қўйиб юборинглар», дедилар. У масжид яқинидаги хурмозорга йўл олди. Ғусл қилди. Кейин масжидга кириб, «Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. Эй Муҳаммад, Аллоҳга қасамки, ер юзида менга сизнинг юзингиздан ёқимсиз юз йўқ эди, энди эса сизнинг юзингиз мен учун энг суюкли юз бўлиб қолди. Аллоҳга қасамки, менга сизнинг юртингиздан ёқимсиз юрт йўқ эди, энди сизнинг юртингиз мен учун энг сеvimли юрт бўлиб қолди. Отлиқларингиз мени ушлаб олди. Мен умра қилмоқчи эдим. Нима дейсиз?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга хушхабар бердилар ва уни умра қилишга буюрдилар.

У Маккага келгач, кимдир: «Динингни ўзгартирдингми?» деди. У: «Йўқ! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга қўшилиб мусулмон бўлдим. Йўқ! Аллоҳга қасамки, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам изн бермагунча сизларга Ямомадан бир дона ҳам буғдой дони келмайди», деди».

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARIDLARI